**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

# B U Y R U G‘I

20 23 yil “ 14 ” январь №10

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори билан тасдиқланган 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023-2025 йилларда инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари **1-илова**га мувофиқ;

б) **2023 йил** учун:

инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастур **2-илова**га мувофиқ;

ишга тушириладиган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларининг манзилли рўйхати **3-илова**га мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати **4-илова**га мувофиқ;

тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати **5-илова**га мувофиқ;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати **6-илова**га мувофиқ;

амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати **7-илова**га мувофиқ;

давлат ташқи қарзи жалб қилиниши режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари рўйхати **8-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

**2.** Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси (Н. Расулов), вазирлик тизимидаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари ва тегишли бошқармалар билан биргаликда:

**2023 йил 20 январ**га қадар мазкур буйруқнинг **3, 4** ва **5-илова**ларига киритилган ҳар бир инвестиция лойиҳалари бўйича уларни амалга оширишнинг ойлар кесимида комплекс тармоқ жадвалларини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2023 йил 5 феврал**га қадар мазкур буйруқнинг **8-илова**сига киритилган, давлат ташқи қарзи жалб қилиниши режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳаларининг концепцияларини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига киритсин.

**2023 йил 1 феврал**га қадар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

мазкур буйруқнинг **6-илова**сидаги лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича “йўл харитаси”ни;

мазкур буйруқнинг **7-илова**сидаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ўрнатиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**2023 йил 1 март**га қадар 2023 йилда давлат ташқи қарзи жалб қилиниши режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари концепциялари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ҳамда тегишли халқаро молия институтларига ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларига келишиш учун юборилишини таъминласин.

**3.** Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси (Н. Расулов), вазирлик тизимидаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳлари ва ҳар бир лойиҳага тегишли бўлган Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма ва ташкилотлари:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағлар самарали ўзлаштирилиши, тиббий усукуналар ўз вақтида етказиб берилиши, уларни ўрнатилиши, ушбу замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналардан

фойдаланишда мутахассисларни малака ва кўникмаларини шакллантиришга ҳамда ўз вақтида ишга туширишга;

Мазкур буйруқнинг 6 ва 7-иловаларидаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини белгиланган муддатларда сифатли ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, экспертизадан ўтказиш, шунингдек маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда ташкилотлар билан зарур шартномалар тузиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқишга;

**2023 йил 1 июнга** қадар мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ прогноз параметрлари асосида келгуси уч йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш, параметрларини аниқлаштириш ҳамда янгилаш учун асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиб, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига киритилишини таъминлашга шахсан масъул ва жавобгарлиги белгилансин.

4. “O’zmedimpeks” МЧЖ (О. Набиев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг;

- ўзлаштириш кўрсаткичларини бажарилиши;

- лойиҳалар доирасида ишлаб чиқилган шартномаларни 20 кун муддатда имзоланиши;

- имзоланган шартномалар асосида етиб келган тиббий ва нотиббий асбоб ускуналарни тасдиқланган манзилга етказиб бериш, монтаж ҳамда фойдаланишга топширилиши учун масъуллиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори ижросини самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини ҳар ой якуни билан муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул бўлган лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ва вазирлик тизимида лойиҳани амалга оширишга тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари О. Фазилкаримов белгилансин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI * BUYRUQLAR UCHUN **А. Иноятов**

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 14-январдаги 10-сонли
буйруғига
1- ИЛОВА

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023-2025 йилларда инвестиция ва кредитларни ўзлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари**

*млн.долл.*

| т/р | Лойийҳа ташаббускорлари номи | 2023-2025 йилларда ўзлаштириш прогнози | шундан: | | 2023 йилда ўзлаштириш прогнози | шундан: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар | | тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар |
| | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | **667,6** | **25,5** | **642,1** | **150** | **25,5** | **124,5** |

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023-йил 14-январдаги
10-сонли буйруғига
**2-ИЛОВА**

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йилда инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастури**

| т/р. | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Туман ва шаҳарлар номи | Лойиҳа қуввати | Амалга ошириш муддати | Лойиҳа умумий қиймати *млн. долл.* | 01.01.2023 йилга кутилаётган қолдиқ, *млн. долл.* | 2023 йилда ўзлаштириш прогнози: Жами, *млн. долл.* | шундан, молиялаштириш манбалари бўйича: Ўз маблағлари | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар | Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари | Тижорат банклари кредитлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | | | **1 108,70** | **732,7** | **150** | | **25,5** | **124,5** | | |
| | | ***янги қурилиш*** | | | | ***49,8*** | ***43,3*** | ***25,5*** | | ***25,5*** | | | |
| | | ***модернизация ва реконструкция*** | | | | ***1 058,90*** | ***689,4*** | ***124,5*** | | | ***124,5*** | | |
| | | *шу жумладан:* | | | | | | | | | | | |
| | | *янги қурилиш* | | | | *49,8* | *43,3* | *25,5* | | *25,5* | | | |
| 1 | 206. | Нукус шаҳрида аёллар ва болалар учун Шайх Халифа номидаги шифохонани барпо этиш | Нукус шаҳри | объект | 2020 — 2023 йй. | 27 | 20,5 | 20,5 | | 20,5 | | | |
| 2 | 207. | Давлат-хусусий шериклик асосида Самарканд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида нурли (радио) терапия марказларини ташкил этиш | Самарканд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари | объект | 2023 — 2025 йй. | 22,8 | 22,8 | 5 | | 5 | | | |
| | | *модернизация ва реконструкция* | | | | *1 058,90* | *689,4* | *124,5* | | | *124,5* | | |
| 3 | 208. | Шошилинч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш | Республика бўйича | 14,5 млн. беморлар мурожаати | 2018 — 2024 йй. | 137,5 | 16,3 | 16,3 | | | 16,3 | | |
| 4 | 209. | Бирламчи соғлиқни сақлашни такомиллаштириш | Республика бўйича | 88 минг катнов | 2018 — 2023 йй. | 57,8 | 8,4 | 8,4 | | | 8,4 | | |
| 5 | 210. | Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларини гемодиализ тиббиёт ускуналари ва урология муассасаларини тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш | Республика бўйича | 4746 ўрин | 2019 — 2024 йй. | 29,1 | 29 | 10,3 | | | 10,3 | | |
| 6 | 211. | Катталар учун замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш | Тошкент шаҳри | 300 ўрин, 8,5 минг жарроҳлик операциялари | 2022 — 2025 йй. | 149,8 | 124 | 1 | | | 1 | | |
| 7 | 212. | Ўзбекистонда COVID-19 коронавируси инфекциясига карши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш | Республика бўйича | жиҳозлаш | 2020 — 2025 йй. | 200 | 145 | 20 | | | 20 | | |
| 8 | 213. | Соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш | Республика бўйича | жиҳозлаш | 2021 — 2025 йй. | 52,7 | 45 | 19,1 | | | 19,1 | | |
| 9 | 214. | Ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш | Республика бўйича | 190 та тиббиёт муассасаси | 2021 — 2023 йй. | 88,8 | 74 | 20 | | | 20 | | |
| 10 | 215. | Ўзбекистон Республикаси онкология хизмати муассасаларини замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш (2-боскич) | Республика бўйича | 191 та тиббиёт муассасаси | 2022 — 2026 йй. | 121,9 | 26,4 | 26,4 | | | 26,4 | | |

| т/р. | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Туман ва шаҳарлар номи | Лойиҳа қуввати | Амалга ошириш муддати | Лойиҳа умумий қиймати *млн. долл.* | 01.01.2023 йилга кутилаётган қолдиқ, *млн. долл.* | 2023 йилда ўзлаштириш прогнози | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Жами, *млн. долл.* | шундан, молиялаштириш манбалари бўйича | | | | |
| | | | | | | | | | Ўз маблағ-лари | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар | Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари | Тижорат банклари кредитлари |
| 11 | 216. | Тиббиёт олий таълим маскасини барпо этиш | Тошкент шаҳри | объект | 2023 — 2026 йй. | 83 | 83 | 1 | | | 1 | | |
| 12 | 217. | Ҳудудлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини модернизация қилиш (Миллий Референс Лабораторияни ташкил этиш) | Республика бўйича | объект | 2022 — 2025 йй. | 10,8 | 10,8 | 1,5 | | | 1,5 | | |
| 13 | 218. | Миллий онкология марказини барпо этиш | Тошкент шаҳри | объект | 2022 — 2027 йй. | 127,5 | 127,5 | 0,5 | | | 0,5 | | |

*Соғлиқни сақлаш вазирининг*
*2023-йил 14-январдаги*
*10-сонли буйруғига*
*3-ИЛОВА*

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йилда ишга тушириладиган йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларининг манзилли рўйхати**

*млн.долл.*

| № | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | туман ва шаҳарлар номи | ишга тушириш муддати *(ой)* | Лойиҳа қуввати | Инвестициялар ҳажми | | яратиладиган иш ўрни |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Жами | шундан 2023 йилда | |
| | Модернизация ва реконструкция | | | | | | |
| 1. | Нукус шаҳрида аёллар ва болалар учун Шайх Халифа номидаги шифохонани барпо этиш | Нукус шахри | декабрь | объект | 27 | 20,5 | 20 |

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023-йил 14-январдаги
10-сонли буйруғига
**4-ИЛОВА**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати**

*млн.долл.*

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Амалга ошириш муддати | Хорижий хамкор/кредитор | Хорижий кредитлар умумий киймати | 01.01.2023 йилга кутилаётган қолдиқ | 2023 йил прогнози | | | | | ХМИ хисоб рақамидан пул ечиб олиш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ўзлаш-тириш | шу жумладан: I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | |
| | | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | | **877,2** | **647,9** | **124,5** | | **5,1** | **44,7** | **74,7** | **124,5** |
| | | *модернизация ва реконструкция* | | | *877,2* | *647,9* | *124,5* | | *5,1* | *44,7* | *74,7* | *124,5* |
| 1 | 76. | Шошилинч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш | 2018-2024 йй. | Халқаро тараққиёт уюшмаси | 100 | 16,3 | 16,3 | | 3,1 | 7 | 6,2 | 16,3 |
| 2 | 77. | Бирламчи соғлиқни сақлашни такомиллаштириш | 2018-2023 йй. | Осиё тараққиёт банки | 45,3 | 8,4 | 8,4 | | 2 | 2 | 4,4 | 8,4 |
| 3 | 78. | Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларини гемодиализ тиббиёт ускуналари ва урология муассасаларини тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш | 2019-2024 йй. | Қувайт Араб иқтисодий ривожлантириш жамғармаси | 23,1 | 23 | 10,3 | | | 2,7 | 7,6 | 10,3 |
| 4 | 79. | Катталар учун замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш | 2022 - 2025 йй. | «EDCF» жамғармаси (Корея) | 124 | 124 | 1 | | | | 1 | 1 |
| 5 | 80. | Ўзбекистонда COVID-19 коронавируси инфекциясига қарши курашиш бўйича шошилинч чораларни кўриш | 2020 - 2025 йй. | Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки | 200 | 145 | 20 | | | 10 | 10 | 20 |
| 6 | 81. | Соғлиқни сақлаш тизимида рақамли технологияларни жорий этиш | 2021 - 2025 йй. | «KFW IPEX Bank» (Германия) | 45 | 45 | 19,1 | | | | 19,1 | 19,1 |
| 7 | 82. | Ҳудудий тиббиёт муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш | 2021 - 2023 йй. | «EDCF» жамғармаси (Корея) | 74 | 74 | 20 | | | 10 | 10 | 20 |

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Амалга ошириш муддати | Хорижий ҳамкор/кредитор | Хорижий кредитлар умумий қиймати | 01.01.2023 йилга кутилаётган қолдиқ | 2023 йил прогнози | | | | | ХМИ ҳисоб рақамидан пул ечиб олиш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ўзлаш-тириш | шу жумладан: | | | | |
| | | | | | | | | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | |
| 8 | 83. | Ўзбекистон Республикаси онкология хизмати муассасаларини замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш (2-босқич) | 2022 - 2026 йй. | Ислом тараққиёт банки | 80 | 26,4 | 26,4 | | | 13 | 13,4 | 26,4 |
| 9 | 84. | Тиббиёт олий таълим масканини барпо этиш | 2023 2026 йй. | «EDCF» жамғармаси (Корея) | 70 | 70 | 1 | | | | 1 | 1 |
| 10 | 85. | Ҳудудлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларини модернизация қилиш (Миллий Референс Лабораторияни ташкил этиш) | 2022 2025 йй. | «KFW IPEX Bank» (Германия) | 10,8 | 10,8 | 1,5 | | | | 1,5 | 1,5 |
| 11 | 86. | Миллий онкология марказини барпо этиш | 2022 2027 йй. | «EDCF» жамғармаси (Корея) | 105 | 105 | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 |

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023-йил 14-январдаги
10-сонли буйруғига
**5-ИЛОВА**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати**

*млн.долл.*

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Амалга ошириш муддати | Хорижий ҳамкор/ кредитор | Давлат номи | Хорижий инвестициялар умумий қиймати | 01.01.2023 йилга кутилаётган қолдиқ | 2023 йил прогнози | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | ўзлаштириш | шу жумладан: I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | жалб қилиш |
| | | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | | | **49,8** | **43,3** | **25,5** | **1** | **2** | **10** | **12,5** | **25,5** |
| | | ***янги қурилиш*** | | | | ***49,8*** | ***43,3*** | ***25,5*** | ***1*** | ***2*** | ***10*** | ***12,5*** | ***25,5*** |
| 1. | 96. | Нукус шаҳрида аёллар ва болалар учун Шайх Халифа номидаги шифохонани барпо этиш | 2020 — 2023 йй. | «Khalifa Bin Zayed Al Nahyan Foundation» | БАА | 27 | 20,5 | 20,5 | 1 | 2 | 7,5 | 10 | 20,5 |
| 2. | 97. | Давлат-хусусий шериклик асосида Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида нурли (радио) терапия марказларини ташкил этиш | 2023 — 2025 йй. | хорижий донорлар | | 22,8 | 22,8 | 5 | | | 2,5 | 2,5 | 5 |

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023-йил 14-январдаги
10-сонли буйруғига
**6-ИЛОВА**

**2023 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати**

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Ҳудуд номи | Лойиҳанинг дастлабки қиймати* млн.долл. | Амалга ошириш муддати | Ҳужжат тури (ТИА, Бизнес-режа) | Ҳужжатни тасдиқлаш муддатлари (ой) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ишлаб чиқиш | келишиш | тасдиқлаш |
| | | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | **433,4** | | | | | |
| 1 | 62. | Ҳудудий тиббиёт муассасаларини жиҳозлар билан таъминлаш | Республика бўйича | 88,8 | 2023-2024 йй. | ТИА | ишлаб чиқилган | келишилган | март |
| 2 | 63. | Орол бўйида аҳоли саломатлигини яхшилаш | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | 30 | 2023-2026 йй. | ТИҲ | ишлаб чиқилган | июль | сентябрь |
| 3 | 64. | Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий бўлимларини қуриш ва жиҳозлаш | Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари | 151 | 2023-2028 йй. | ТИА | июль | август | сентябрь |
| 4 | 65. | Фтизиатрия муассасаларини замонавий ташхислаш, даволаш ва реанимация ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастури | Республика бўйича | 11,7 | 2023-2025 йй. | ТИҲ | август | сентябрь | ноябрь |
| 5 | 66. | Силга қарши санаторийларни замонавий реабилитация, ташхислаш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш | Республика бўйича | 0,9 | 2023-2025 йй. | ТИҲ | август | сентябрь | ноябрь |
| 6 | 67. | Перинатал хизматларни такомиллаштириш | Республика бўйича | 100 | 2023-2028 йй. | ТИА | январь | май | август |

*Изоҳ:*
** Лойиҳанинг якуний қиймати ва молиялаштириш манбалари тасдиқланган лойиҳа ҳужжатга асосан аниқлаштирилади.*

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2023-йил 14-январдаги
10-сонли буйруғига
**7-ИЛОВА**

**2023 йилда амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати**

*млн.долл*

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Ҳудуд номи | Лойиҳа қуввати | Хорижий ҳамкор/ кредитор | Лойиҳанинг прогноз қиймати * |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** | | | | **70,8** |
| 1 | 158. | Қон ва унинг компонентларини ҳамда препаратларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида GMP талабларига жавоб берадиган завод қуриш ва халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда | 70,8 |
| 2 | 159. | Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги филиалларини ген-молекуляр тадқиқотлар ўтказиш жиҳозлари билан таъминлаш | Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда |
| 3 | 160. | Танатология бўлимлари (морглар) ва лаборатория бўлинмаларида суд-тиббий ва криминалистик тадқиқотларни ISO 9001 ва 17025 халқаро мезонларига мувофиқ ўтказиш учун уларни совуткичли камералар, секцияли тўпламлар, замонавий жиҳозлар, ускуналар, бутловчи қисмлар ва реактив моддалар билан таъминлаш | Республика бўйича | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда |
| 4 | 161. | Суд экспертлик фаолиятини энг долзарб муаммолари таҳлили асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, миллий ва хорижий грантларни жалб қилиш | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда |
| 5 | 162. | Туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини компьютер томографлари билан таъминлаш | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда | аниқланмоқда |

Изоҳ: * Лойиҳанинг якуний қиймати ва молиялаштириш манбалари тасдиқланган лойиҳа ҳужжатга асосан аниқлаштирилади.

*Соғлиқни сақлаш вазирининг*
*2023-йил 14-январдаги*
*10-сонли буйруғига*
***8-ИЛОВА***

**2023 йилда давлат ташқи қарзи жалб қилиниши режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари рўйхати**

| т/р | ПҚ-459 т/р | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | ТИА ишлаб чиқиш муддати | Лойиҳанинг ХМИ/ХҲМТ томонидан маъқулланиши | Тендер савдоларини ўтказиш муддати | Кредит суммаси *(млн. долл.)* | ХМИ/ХҲМТ номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2023 йилда имзолашга таклиф этилаётган янги лойиҳалар** | | | | **100** | |
| 1 | 9. | Тиббиёт университети ташкил қилиш | ишлаб чиқилган | маъқулланган | 2023 йил апрель | 70 | Корея Эксимбанки / Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) |
| 2 | 10. | Орол бўйида аҳоли саломатлигини яхшилаш | ишлаб чиқилган | маъқулланган | 2023 йил май | 30 | «КфВ» банки |
| | | **Захира лойиҳалари** | | | | **250** | |
| 3 | 39. | Перинатал хизматларни такомиллаштириш | 2023 йил январь | 2023 йил апрель | 2023 йил сентябрь | 100 | Осиё тараққиёт банки |
| 4 | 40. | Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий бўлимларини қуриш ва жиҳозлаш | 2023 йил июль | 2023 йил август | 2023 йил сентябрь | 150 | ДЖАЙКА |